

Расулуллоҳ намозларининг кайфияти

< Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي >



Муҳаммад ибн Солиҳ Ал-Усаймин



Таржима: Ислом нури веб саҳифаси

Таҳрир: Абу Абдуллоҳ Шоший

صفة صلاة النبي

< الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча >



محمد بن صالح العثيمين



ترجمة: موقع نور السلام
مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Муқаддима

Барча ҳамду санолар Аллоҳнингдур, Унга ҳамд айтамыз ва Ундан мадад сўраймыз ҳамда гуноҳларимизни кечишини сўраймыз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоятлаган кишини адаштирувчи, адаштирган кишини ҳидоятловчи йўқ. Шериксиз, ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳақли маъбуд йўқ эканига гувоҳлик бераман ва Муҳаммад Унинг бандаси ва элчиси, деб гувоҳлик бераман.

Сўнгра... Бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозининг сифати:

Биринчи: Намоз ўқиш учун турганингда бундай эътиқодда бўлгин: Гўёки сен Аллоҳ азза ва жалланинг қаршисида турибсан, ул Зотдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, У кўнгилда кечаётган нарсани ҳам билади. Сен мана шу шуъур билан жисминг намоз билан машғул бўлгани каби, қалбингни ҳам намоз билан машғул қил. Баданинг Аллоҳ таоло буюрган қиблага юзлангани каби қалбинг ҳам Аллоҳга юзлансин. Баданинг Аллоҳ буюрган томонга юзланса-ю қалбинг ғафлатда бўлса, бу жуда катта камчиликдир. Баъзи уламолар: Агар васвасалар — хаёлнинг қочиши ёки қалбнинг ғафлатда бўлиши намознинг кўпроқ қисмида бўлса, намоз ботил бўлади, дейдилар. Албатта бундан эҳтиёт бўлиш керак.

Намоз ўқишга юзланган вақтингда Аллоҳга юзланиб турибман, деб тасаввур қил.

Намоз ўқишга турган пайтингда Аллоҳга муножот қилмоқдаман, деган эътиқодда бўл. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизлардан бирингиз намоз ўқишга учун турса, у Роббисига муножот қилади» (Бухорий ривояти).

Намозга турган вақтингда Аллоҳ таоло қаршимда турибди, деб тасаввур қил, бироқ У сен турган ерда эмас, балки, аршнинг устида бўлгани ҳолида сенинг қаршингдадир. Бу Аллоҳ учун оғир эмас. Аллоҳ таоло барча сифатларида мислсиз якка-ягонадир. У аршнинг устида, намоз ўқиш учун турган пайтда намоз ўқувчининг қаршисидадир. Шундагина қалбинг Аллоҳнинг таъзими, муҳаббати ва Унга яқинлик билан тўлган ҳолда намозга кирасан.

«Аллоҳу акбар» деб такбир айтасан. Такбир айтаётган ҳолда қўлингни елканг ёки икки қулоғинг юмшоғи қаршисигача кўтарасан.

Қуйидаги ҳадисга биноан ўнг қўлингни чап биллагинг устига қўясан. Саҳиҳул-Бухорийда ворид бўлган ҳадисда Саҳл ибн Саъд деди: «Одамлар намозда, киши ўнг қўлини чап биллагининг устига қўйишга буюрилар эдилар» (Бухорий ривояти).

Кейин бошингни қуйи қиласан, юқорига кўтармайсан. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Намозда кўзини осмонга қаратишдан қайтардилар» (Бухорий ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу борадаги сўзи жуда қаттиқ бўлган, ҳатто шундай деганлар: «Намозда кўзларини осмонга қаратаётган кишилар бундан тийиладилар ёки кўзлари уларга қайтмай қолади» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Шунинг учун ҳам аҳли илмларнинг баъзиси намоз ўқувчининг кўзини осмонга қаратиши ҳаром эканлигини айтганлар, бу жуда ўринли сўз. Чунки, унинг ҳаққида ваид (яъни ёмон оқибат ва жазо) ворид бўлган ҳар бир нарса ҳаромдир.

Демак уламолар айтганидек, кўзингни пастга қаратиб, бошингни қўйи қиласан, иягинг кўкрагинга тегиб қолмасин. Кейин кириш дуосини ўқийсан:

«اللَّهُمَّ بَاعِدْ بَيْنِي وَبَيْنَ خَطَايَايَ كَمَا بَاعَدْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ،
اللَّهُمَّ نَقِّنِي مِنْ خَطَايَايَ كَمَا يُنْقَى الثُّوبُ الْأَبْيَضُ مِنَ الدَّنَسِ، اللَّهُمَّ
اغْسِلْنِي مِنْ خَطَايَايَ بِالْمَاءِ وَالثَّلْجِ وَالْبَرَدِ»

«Аллоҳумма боъид байний ва байна хотойая камаа боъадта байнал-машриқи вал-мағриби, Аллоҳумма наққиний мин хотойая камаа юнаққос-савбул абязу минад-данас, Аллоҳумма иғсилний мин хотойая бил-мои вас-салжи вал-барад» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Маъноси: «Эй Аллоҳ, мен билан хатоларим ўртасини мағриб ва машриқ ўртасини узоқлаштирганинг каби узоқлаштир. Эй Аллоҳ, оқ кийим кирдан тоза бўлгани каби мени хатолардан тоза эт. Эй Аллоҳ, мени хатоларимдан сув,

қор ва дўл билан ювгин. Абу Ҳурайра Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: Эй Расулulloҳ, такбир билан қироат ўртасидаги сукутингизда нима дейсиз?, деб сўраганида, ул зот юқоридаги дуони зикр қилганлар. Юқорида зикр қилинган дуонинг ўрнига бу дуони ўқиса ҳам бўлади:

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ،

وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ»

«Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика, ва табарокасмука, ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғойрука» (Абу Довуд ривояти).

Маъноси: «Эй Аллоҳ, мен Сени (барча камчиликлардан) поклайман, Сенга ҳамдинг билан тасбеҳ айтаман, Сенинг исминг муборак бўлди ва Сендан ўзга ҳақли маъбуд йўқ».

Тунги намоз (таҳажжуд)да Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиган ушбу дуони ўқийди:

«اللَّهُمَّ رَبَّ جِبْرَائِيلَ وَرَبَّ مِيكَائِيلَ وَاسْرَافِيلَ، فَاطِرَ السَّمَوَاتِ

وَالْأَرْضِ، عَالِمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، أَنْتَ تَحْكُمُ بَيْنَ عِبَادِكَ فِيمَا كَانُوا فِيهِ

يَخْتَلِفُونَ، اهْدِنِي لِمَا اخْتَلَفَ فِيهِ مِنَ الْحَقِّ بِإِذْنِكَ إِنَّكَ تَهْدِي مَنْ تَشَاءُ

إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ»

«Аллоҳумма Робба Жибройила ва Робба Мийкойла ва Исрофийла, фотирос-самаваати вал-арзи, олимал-ғайби ваш-шаҳадати анта таҳқуму байна ибодика фимаа кону

фийҳи яхталифуун, ихдиний лимахтулифа фийҳи минал-ҳаққи би-изника иннака таҳдий ман ташаау ила сиротим-мустақийм» (Муслим ривояти).

Маъноси: «Эй Аллоҳ, Жаброилнинг Роббиси, Мийкоил ва Исрофилнинг Роббиси, эй Ер ва осмонларни Яратувчиси, эй ғайбни ва ошкор (зоҳир)ни Билгувчи, Сен бандаларинг ўртасида улар ихтлоф қилган нарсаларида ҳукм қиласан, мени ихтилоф қилинган (нарсанинг) ҳақ (бўлган томони)га Ўз изнинг билан ҳидоятла. Сен хоҳлаган кишингни тўғри йўлга бошлайсан.

Ушбу дуоларнинг барчасини жам қилиб ўқимайди. Балки, гоҳо унисини ва гоҳо эса бошқасини ўқийди. Агар шундай қилса суннатни барча кўринишда адо этган бўлади.

Кейин:

«أعوذ بالله من الشيطان الرجيم، بسم الله الرحمن الرحيم»

«Аъзузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», дейди ва Фотиҳа сурасини ўқийди. Фотиҳа сураси етти оятдан иборат, аввали (الحمد لله) ва охири (غير المغضوب عليهم ولا الضالين) бунинг далили: Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадис қудусийда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло деди: «Намозни ўзим билан бандам ўртасида икки қисмга бўлдим, бир қисми менга ва бир қисми бандамга, бандамга сўраган нарсаси. Банда (الحمد لله رب العالمين) деса:

Аллоҳ таоло бандам менга ҳамд айтди дейди. Банда (الرحمن الرحيم) деса: Аллоҳ таоло бандам менга сано айтди, дейди. Банда (مالك يوم الدين) деса: Аллоҳ таоло бандам мени улуғлади дейди. (إياك نعبد وإياك نستعين) деса: Аллоҳ таоло дейди: бу мен билан бандам ўртамизда, бандам учун сўрагани. (اهدنا الصراط المستقيم.....) деса бу бандам учун бандамга сўрагани, дейди” (Муслим ривояти). Мазкур ҳадис билан Фотиҳанинг аввалги ояти (الحمد لله رب العالمين) эканлиги ойдинлашди.

Басмала (Бисмиллаҳир роҳманир роҳим) Қуръон оятларидан, лекин у ҳар бир суранинг аввалги ояти эмас. Балки, у Бароат сурасидан бошқа ҳар бир суранинг аввалида келтириладиган мустақил оятдир. Бароат сурасида басмала йўқ, унинг ўрнига айтиладиган бадал ҳам йўқ. Аммо Қуръоннинг баъзи нусхаларида Бароат сурасининг бошланишида Қуръоннинг ҳомишига қўйиладиган «Аъзуз биллаҳи минан-нор ва мин кайдил-фужжор ва мин ғаббил-жаббор, ал-иззату лиллаҳи ва лиросулиҳи ва лилмумининйн» хатодир. Бу дуода басмала ҳам йўқ басмалага далолат қиладиган маъно ҳам йўқ.

Фотиҳани ўқиб бўлганида «омин» дейди, маъноси: Эй Аллоҳ, қабул эт дегани бўлиб, қабул эт маъносидаги амр феълининг исмидир.

Кейин қуйидаги тартибга биноан бир сурани ўқиши керак:

— Шом намозида муфассалнинг қисқа сураларидан.

— Бомдод намозида муфассалнинг узун сураларидан.

— Бошқа намозларда муфассалнинг ўрта сураларидан.

Муфассалнинг аввали Қоф сураси ва охири ан-Нос сурасидир, муфассал деб исмланишининг сабаби, бу сураларда тўхташларининг кўплигидир.

Муфассалнинг узунлари «Қоф»дан «Амма»гача, ўрталари «Амма»дан «аз-Зуҳо»гача. Қисқалари «аз-Зуҳо»дан «ан-Нос»гача. Гоҳида шом намозида муфассалнинг узунларидан ўқиш суннатдир, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлишича, ул зот шом намозида «ат-Тур» ва «ал-Мурсалот»ни ўқиганлар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Фотиҳа билан бир сурани ўқиганидан кейин рукуъ қилиш учун такбир айтган ҳолда икки қўлини (елкаси ёки қулоқ юмшоқлари баробарига) кўтаради, кейин икки қўлини икки тиззаси устига бармоқларининг оараларини очиқ ҳолда қўяди, билакларини ёнбошидан узоқроқ тутари, белини боши (энсаси) билан тенглаштиради. Оиша розияллоҳу анҳо деди: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ қилса бошини кўтармас эди, тўғри ҳам қилмас эди. Балки, шу иккисининг ўртасида тутар эди» (имом Аҳмад, Муслим ва Абу Довуд ривоятлари).

Рукуъда турганда ушбу тасбеҳ ва дуоларни айтади:

Уч марта «سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ»

«Субҳана Роббиял Азим» (Аҳмад ва Абу Довуд ривояти).

Маъноси: Улуғ Роббимни (барча камчиликлардан) поклайман.

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَبِحَمْدِكَ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي»

«Субҳанака Аллоҳумма ва биҳамдика Аллоҳуммағфирлий» (Бухорий ривояти).

Маъноси: “Эй Аллоҳ, эй Роббим, Сени (барча камчиликлардан) поклайман, (ошкор ва махфий неъматларингга) ҳамд айтаман, эй Аллоҳ, гуноҳларимни кеч”.

«سُبُّوحٌ قُدُّوسٌ رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ»

«Суббуҳун, қуддусун, Роббул-малааикати вар-руҳ» (Аҳмад, Муслим, Насоий ва Абу Довуд ривоятлари).

Маъноси: (Менинг Роббим) улуғ, муқаддас, фаришталарнинг ва Руҳ (Жаброил)нинг Роббисидир. Рукуъда турганда Аллоҳни кўпроқ улуғлайди (яъни юқоридаги тасбеҳлар билан).

Кейин «سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ»

«Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», дейди.

Маъноси: Аллоҳ ҳамд айтган кишидан ҳамдини қабул қилди, деб икки қўлини елкаси ёки қулоқ юмшоқлари рўбарўсига кўтарган ҳолда бошини рукуъдан кўтаради. Мана шу туришда Саҳл ибн Саъднинг сўзига кўра ўнг қўлини чап қўлининг устига қўяди. Саҳл деди: «Одамлар намозда киши ўнг қўлини чап билагининг устига қўйишга буюрилар эдилар» (Аҳмад ва Бухорий ривояти). Бу ҳадисдаги «намозда» сўзи умумийдир, бундан саждалар рукуъ ва қаъда мустаснодир. Чунки, саждада қўл ерга қўйилади. Қаъдада сон устига қўйилади. Рукуъда эса тизза устига қўйилади. Рукуъдан аввалги ва рукуъдан кейинги қиём «намозда» сўзининг умумий маъносига дохиллигича қолади.

Рукуъдан кўтарилганда «رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ»

«Роббана лакал-ҳамд», дейди (Бухорий ва Муслим ривояти).

Маъноси: «Эй Роббимиз барча ҳамдлар Сенингдир».

Ёки «رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ»

«Роббана валкал-ҳамд», дейди (Бухорий ва Муслим ривояти).

Ёки «اللَّهُمَّ رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ»

«Аллоҳумма Роббана лакал-ҳамд», дейди (Бухорий ва Муслим ривояти).

Маъноси: «Эй Аллоҳ Роббимиз барча ҳамдлар Сен учундир».

Ёки «اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ»

«Аллоҳумма Роббана валакал-ҳамд», дейди (Муслим ривояти). Ушбу тўрт сифатнинг барчасини бир вақтда айтмайди. Балки, гоҳида бирини ва гоҳида эса бошқасини айтади. Мана шу қоидани толиб илм фаҳмлаши лозим: Агар ибодатлар турли кўринишларда бўлса, гоҳида у, гоҳида эса бу кўринишида қилинади. Бунинг уч фойдаси бор:

Биринчи: Суннатни барча кўринишларида адо этиш;

Иккинчи: Суннатни сақлаш, агар сен икки сифатнинг бирига бепарво бўлсанг ёддан чиқади;

Учинчи: Киши бу суннатни одат йўсинида қилмаслиги керак, чунки одамларнинг кўпчилиги бир суннатни ушлайдиган бўлсалар уни одат қилиб оладилар, натижада адо этаётган ҳолларида бу амалнинг суннатлигини хаёлларига келтирмайдилар. Аммо гоҳида уни, гоҳида эса буни айтишга одатланган бўлса, суннатга доимо огоҳ бўлади.

Агар намоз ўқувчи маъмум (муқтадий) бўлса «самиъаллоҳу лиман ҳамида»ни айтмайди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар имом самиъаллоҳу лиман ҳамида деса, «Аллоҳумма Роббана валакал-ҳамд», денглар (Муслим ривояти). Бунинг қўлидан кўтарилаётганда айтади. «Аллоҳумма Роббана валакал-ҳамд»ни юқорида зикр қилинган тўрт сифатининг бирида айтганидан сўнг:

«مِلءَ السَّمَوَاتِ وَمِلءَ الْأَرْضِ وَمِلءَ مَا بَيْنَهُمَا وَمِلءَ مَا شِئْتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدَهُ، أَهْلُ الثَّنَاءِ وَالْمَجْدِ، أَحَقُّ مَا قَالَ الْعَبْدُ وَكُنَّا لَكَ عَبْدًا، لَا مَانِعَ لِمَا أُعْطِيَْتَ وَلَا مُعْطِيَّ لِمَا مَنَعْتَ وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ»

«Милъас-самааваати ва милъал-арзи ва милъа маа байнаҳумаа, ва милъа маа шиъта мин шайъин баъдаҳу, аҳлус-санааи вал-мажди, аҳаққу маа қолал-абду, ва куллунаа лака абду, лаа мониъа лима аътайта, валаа муътия лимаа манаъта, вала янфаъу зал-жадди минкал-жадду», дейди (Муслим ва Насоий ривояти).

Маъноси: “Осмонлар тўла, Ер тўла, иккисининг ўртаси тўла ва булардан кейинги Сен хоҳлаган нарсалар тўла ҳамд Сен учундир. Эй Роббимиз, Сен мақтов ва улуғворликка лойиқсан, бу (сўзлар) банда айтган мақтовларнинг ҳақлироғидир, барчамиз Сенга бандамиз. Сен берган нарсани қайтарувчи йўқ, Сен қайтарган нарсани бергувчи йўқ. Сенинг олдингда салтанат ва улуғлик соҳибига улуғлиги фойда бермайди”.

Кейин қўлларини кўтармасдан сажда учун такбир айтади. Ибн Умар деди: «Буни саждада қилмас эди» (яъни Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам саждага такбир айтганда қўлларини кўтармас эди).

Саждага бораётганда аввал қўлларини эмас балки тиззаларини қўяди. Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизлардан бирингиз сажда қилса, туя чўкканидек чўкмасин» (Бухорий ривояти). Туя чўкаётганида аввал қўл

(олдинги оёқ)ларидан бошлагани сабабли юзи билан чўқади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам киши саждага бораётганда қўлларини аввал қўйишидан қайтарди. Чунки, у шундай қилса, туя чўккани каби сажда қилган бўлади. Ҳадиснинг далолати мана шудир, бу қуйидаги сўзни айтганларга хилофдир: бу ҳадис аввал қўлларингни такдим қилиб тиззаларингга йиқилмаслигингга далолат қилмайди. Чунки, туя чўкаётганида аввал тиззасига йиқилади, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса туя чўкаётган аъзолар билан чўкмасин демадилар... Агар шундай десалар эди, биз ҳам балли, тиззанг билан йиқилма, чунки туя тиззаларига йиқилади, дер эдик. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Туя чўккани каби чўкмасин», дедилар. Демак, қайтариш киши саждага йиқилаётганда аввал қўядиган «аъзо» ҳақида эмас, балки «сифат» ҳақида экан. Ҳадисда ворид бўлган буйруқни мулоҳаза қилган киши учун жуда ҳам ойдиндир. Ўзимизни қийнаб, кўп бош қотириб туянинг тиззаси қўли (олдинги оёғи)да, у тиззалари билан йиқилади, дейишимизга ҳожат йўқ. Биз бу каби тортишувдан беҳожатмиз. Қайтариш сажда қилаётганда унга йиқиладиган аъзо ҳақида эмас, балки сифат ҳақида эканлиги равшандир. Шунинг учун ҳам Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ «Зодул-маъод» номли китобида шундай дейди: «Ҳадиснинг охиридаги «икки қўлини икки тиззасидан аввал қўйсин» дегани ҳадисни ривоят қилувчига алмашиб қолган. Чунки бу ҳадиснинг аввалига тўғри келмайди. Демак, биз мисолни эмас аслини оламиз, «икки қўлини икки тиззасидан аввал қўйсин», дегани мисол тариқасида айтилган. Агар биз буни ҳадиснинг аслига қайтармоқчи бўлсак, ҳадиснинг тўғриси

«икки тиззасини икки қўлидан аввал қўйсин», бўлади. Демак, саждага бораётганда аввал тиззасини, кейин қўлини, кейин пешонасини ва бурнини қўяди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига биноан етти аъзо билан сажда қилинади. «Етти суяк устига сажда қилишга буюрилдик», сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буларни батафсил баён қилдилар: «Пешонага, икки кафтга, икки тиззага ва икки оёқ учларига» (Бухорий ва Муслим ривояти). Намоз ўқувчи мана шу аъзоларига сажда қилади. Икки тирсагини ерга ҳам, икки тиззасига ҳам қўймайди ҳамда икки ёнбошидан узоқлаштиради. Қорнини сонларига теккизмасдан белини кўтариб туради.

Баъзи одамлар қилганидек белини чўзмайди, белини шу даражада чўзадики қараб туриб: бу сажда қиляаптими, ёки узула тушиб ётибдими?, дейсан. Саждада белни чўзилмайди. Балки, белни қорин билан сон ўртаси узоқлашадиган миқдорда кўтаради. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Саждада мўътадил бўлинглар», дедилар. Мана бу чўзилишни саждада қилаётган баъзи кишилар суннат деб ўйлашади, ҳақиқатда эса у суннатга хилофдир. Унда инсон учун оғир машаққат бордир: чунки у чўзиладиган бўлса гавданинг оғирлиги пешонага тушади, бўйни эгилади ва бу ҳол унга оғир келади. Ҳар ҳолда бу суннат бўлса инсон уни таҳаммул қилган бўлар эди, лекин у суннат эмас.

Саждада турганда қуйидаги тасбеҳларини айтади: уч марта «سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى»

«Субҳана Роббиял-аълаа» дейди (Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти).

Маъноси: «Олий Роббимни поклайман».

«Субҳанака Аллоҳумма Роббана ва биҳамдика, Аллоҳум-мағфирли»

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَبِحَمْدِكَ اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي»

(Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Маъноси: “Эй Аллоҳ, эй Роббим, Сени (барча камчиликларидан) поклайман ва (ошкор ва махфий неъматларингга) ҳамд айтаман, эй Аллоҳ, гуноҳларимни кеч”.

«Суббуҳун қуддусун» «سُبُّوحٌ قَدُّوسٌ» (Муслим ривояти).

Саждада дуони кўпайтиради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Огоҳ бўлинглар, мен рукуъ ва сажда қилган ҳолда Қуръон ўқишдан қайтарилдим, рукуъда Аллоҳни улуғланглар, саждада эса дуони кўпайтиринглар бу ҳолдаги дуоларингиз ижобат бўлишга лойиқдир» (Муслим ривояти). Чунки бу банданинг Роббисига энг яқин бўлган ҳолатидир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Банданинг Роббисига яқинроқ бўлиши сажда ҳолидадир» (Бухорий ривояти). Лекин шуни мулоҳаза қилгинки, агар сен имом билан бўлсанг имомга эргашишинг ва саждада (имомдан ортта қолиб) дуо қилиб турмаслигинг лозим. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар (имом) сажда қилса, сажда қилинглари, рукуъ

қилса рукуъ қилинлар» (Бухорий ривояти). Демак, биз имомга эргашишга ва ундан кеч қолмасликка буюрилганмиз.

Кейин саждадан «Аллоҳу акбар», деб туради.

Икки сажда ўртасида «муфтариш» ҳолида ўтиради. Унинг кайфияти қуйидагича: чап оёқни ёзиб устига ўтиради (оёқ деганда, оёқнинг тўпикдан пастки қисми назарда тутилмоқда), ўнг оёқни ўнг томонида тик тутлади. Ўнг қўлини ўнг сонининг устига ёки тиззасининг бош томонига қўяди. Чап қўлини чап сонининг устига қўяди ёки тиззасини тутиб туради. Бу икки сифат Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган.

Ўнг қўлининг жимжилоғи, кейинги номсиз бармоғини, ўрта ва бош бармоқларини йиғади, ёки бош бармоғи билан ўрта бармоғини ҳалқа қилади, кўрсатгич бармоқ ёзилганича қолади, фақат дуо қилгандагина қимирлатади.

Масалан: «Роббиғ-фирли» «رَبِّ اغْفِرْ لِي» деганда кўтаради (ва туширади) «варҳамни» «وَارْحَمْنِي» деганда кўтаради (ва туширади). Шу қабилда ҳар жумлайи дуоийяда кўтариб туширади. Чап қўл эса ёзилганича туради. Менинг билишимча, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ўнг қўлнинг ёзилиб туриши ҳақида ҳадис келган эмас. Балки ул зотнинг жимжилоқ ва кейинги бармоқларини йиғганлари ривоят қилинган. Ибн Умар розияллоҳу анҳунинг бу хусусда ривоят қилган ҳадисларининг баъзи лафзларида «Агар

намозда¹ ўтирса» (Муслим ривояти), яна бир ривоятида «Агар ташаҳхудда² ўтирса» (Аҳмад ривояти), деб келган. Буни³ ташаҳхудга чеклаш намознинг ҳаммасида ом эмас эканини англатади. Чунки усулчиларнинг сўзларидан рожиҳи: умум зикр қилинса, кейин умумнинг бир бўлаги умумга мувофиқ келадиган ҳукм билан зикр қилинса, у хослашни тақозо этмайди.

Мисол учун: Талабаларни икром қилди десанг, сўнгра фалончини икром қилди, десанг ҳолбуки фалончи ҳам талабалардан. Мана шу ҳолда фалончини зикр қилиш икромни унгагина хослашни тақозо этмайди. Шунингдек Аллоҳ таоло «У кечада фаришталар ва Руҳ тушади» деганида Руҳ (Жаброил)нинг зикри қолган фатишталарни тушиш маъносидан чиқариб юбормайди. Демак, умумнинг бирликларидан баъзиси умумга мувофиқ келадиган ҳукм билан зикр қилиниши хослашни тақозо қилмайди. Лекин бу, бирликни зикр бўлишини тақозо қиладиган сабаб бўлади. Бу сабаб ана шу бирликка эътибор қилиш учун, ёки бошқа нарса учун бўлади.

Мен шу вақтга қадар икки сажда ўртасида ўтирганда ўнг қўлини ўнг сонининг устига ёзиб қўйиш ҳақида ворид бўлган ҳадисни билмайман. Бу ҳақда зикр қилинган ҳадисда қўлнинг кўрсаткич бармоқдан бошқа барча бармоқлари йиғилган бўлиши айтилган. Бу ҳолат имом Аҳмаднинг муснадларида Воил ибн Хужрнинг ривоятларида очиқ

¹ Бу ҳадисда «намозда» деб умумий зикр қилган.

² Бу ҳадисда «ташаҳхудда» деб хос зикр қилган.

³ Сўз қўлни қандай тутиш ҳақида бормоқда.

айтилган. Аҳли илмларнинг баъзилари бу ҳадиснинг иснодини яхши дейишган. Баъзилари бу ҳадиснинг иснодида тортишишган. Лекин биз бу тортишувлардан беҳожатмиз. Бизга шундай дейишимиз кифоя: ўнг қўл учун суннатда ворид бўлган сифат бармоқларни йиғиб туриш, қўлни ёзиб туриш эса ворид бўлмаган. Демак, икки сажда ўртасидаги ўтиришда қўлнинг ёзилиб туришини баён қиладиган суннат ворид бўлгунига қадар қўл бармоқлари йиғилганича қолаверади. Икки сажда ўртасида ўтирганда

«رَبِّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَاهْدِنِي، وَاجْبُرْنِي وَعَافِنِي وَارْزُقْنِي»

«Роббиғ-фирлий варҳамний ваҳдиний важбурний ва офиний варзуқний», дейди (Термизий ва Абу Довуд ривояти).

Маъноси: “Эй Роббим, гуноҳларимни кеч, менга раҳм эт, мени ҳидоятла, мени беҳожат қил, менга офият ато қил ва мени ризқлантир”. Буни имом ҳам, муқтадий ҳам, ёлғиз ўқувчи ҳам айтади.

Агар сен айтсанг: Имом қандай қилиб бирлик сийғасида дуо қилади, ҳолбуки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: Бир киши имом бўлса ва дуони ўзига хосласа «маъмумларга хиёнат қилибди», дегани ривоят қилинган?

Бунга жавоб: Бу ҳадис маъмум омин айтиб турадиган дуодадир. Агар имом шу дуони бирлик сийғасида ўқиса маъмумларга хиёнат қилган бўлади. Масалан: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қунут дуосини Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумога бирлик сийғасида ўргатдилар.

«اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيمَنْ هَدَيْتَ»

(Аҳмад, Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

Маъноси: «Эй Аллоҳ, ҳидоятлаган бандаларинг қаторида мени ҳам ҳидоятла».

Агар имом «اللَّهُمَّ اهْدِنَا فِيمَنْ هَدَيْتَ»

яъни: «Эй Аллоҳ ҳидоятлаган бандаларинг қаторида мени ҳам ҳидоятла» деса, бу хиёнат бўлади. Чунки маъмум омин дейди, имом бўлса дуони ўзига хослади, маъмумларни тарк қилди. Демак, имом «اللَّهُمَّ اهْدِنَا فِيمَنْ هَدَيْتَ»

Маъноси: «Эй Аллоҳ ҳидоятлаган бандаларинг қаторида бизни ҳам ҳидоятла» десин ва маъмумлар омин деб турадиган дуоларни ўзига хосламасин, чунки бу хиёнат бўлади.

Кейин иккинчи саждани ҳам аввалгиси каби адо этади.

Кейин икки тиззасига суяниб, такбир айтиб ўтирмасдан иккинчи ракаатга туриб кетади. Бу имом Аҳмаднинг мазҳабида машҳур, бошқа бир қавлда ўтиради, кейин қўлларига суяниб туради, дейилган. Бу имом Шофеийнинг мазҳабида машҳур. Бу ўтириш уламоларнинг олдида «жалсатул-истироҳа» — дам олиш ўтириши номи билан машҳур.

Уламолар роҳимаҳумуллоҳ бу ўтиришнинг машруълигида ихтилоф қилишган: баъзилари деган: Агар

иккинчи ёки тўртинчи ракаатга турадиган бўлсанг ўтиргин, кейин икки қўлингга хамир қилувчининг сифатида, агар бу ҳақдаги ҳадис саҳиҳ бўлса, ёки бу ҳадисни заиф дегувчиларнинг олдида бошқа сифатда суюниб тургин. Муҳими улар шу ўтиришда ихтилоф қилишган. Баъзилари мутлақо мустаҳаб деса, бошқалари мутлақо мустаҳаб эмас дейдилар. Яна бир қисмлари эса батафсил қилиб бундай дейдилар: Агар сен бу ўтиришга заифлик, кексалик, касаллик ёки шу каби сабабларга кўра муҳтож бўлсанг ўтир, кейин тур. Аммо бу ўтиришга эҳтиёжнинг бўлмаса ўтирма. Бу қисм ўз фикрини қуйидаги далиллар билан қувватлайди: ушбу ўтириш учун хос дуо йўқ, бу ўтиришдан туриш учун такбир ҳам йўқ, саждадан қиёмга туриш учун бир такбир бор, холос. Демак, бу ўтириш зоти учун мақсад қилинган амал эмас экан. Чунки намоздаги зоти учун мақсад қилинган ҳар бир амал учун хос зикр, аввалида ва кейинида айтиладиган такбирнинг бўлиши лозим. Бунга Молик ибн ал-Хувайриснинг ҳадисидаги «икки қўлига суюнади» дегани ҳам далолат қилади. Қўлга суюниш кўпинча тезда туриб кетиш имкониятидан манъ қиладиган эҳтиёж ва баданнинг оғирлигидан бўлади.

Шунинг учун айтамиз: Агар сен шу ўтиришга муҳтож бўлсанг ўзингни қийнаб саждадан қиёмга бирданига турма. Аммо бу ўтиришдан беҳожат бўлсанг, саждадан қиёмга бирданига туриб кетмоғинг авлороқдир. Бу «Муғний»нинг соҳиби муваффақ исми билан танилган Ибн Қудума танлаган фикрдир. У имом Аҳмаднинг катта асҳобларидан. Ибн Қаййим ҳам «Зодул-маъод» номли китобида бу фикрни ихтиёр қилган деб ўйлайман.

Муғнийнинг соҳиби айтади: Бу фикрда барча далиллар жамлангандир, яъни бу ўтиришнинг исботи ёки нафий учун бўлган далиллар. Бу фикрнинг устунлиги менинг олдимда етарли даражада бўлмасада, бу масалада итлоқдан кўра тафсил устунроқ. Чунки бу менинг тушунчамда ўтиришга қарши келмайди. Бу ўтиришнинг ҳукми менинг олдимда уч мартабадан иборат:

Биринчи: Бу ўтиришга эҳтиёж бўлса унинг жоизлигида шубҳа йўқ;

Иккинчи: Мутлақо жоиз, бу ҳукм устунликка яқинроқ;

Учинчи: Мутлақо жоиз эмас, бу менинг олдимда заифдир. Чунки бу ўтириш ҳақида ҳадислар собитдир. Бироқ, бу ҳадислар мутлақо собитми, ёки эҳтиёж бўлгандами? Масаланинг мушкуллиги шу ерда. Менинг олдимда оз бўлсада устун келаётгани, бу ўтириш эҳтиёж бўлсагина жоиз.

Иккинчи ракаатни ҳам биринчи ракаат каби адо этади. Бироқ, кириш дуоси (сано)ни ўқимайди. Таъаввузга келсак (аъзу биллаҳи минаш-шайтонир-рожим) уламолар ўртасида бу тўғрида хилоф бор. Баъзилари ҳар ракаатда айтади, дейди. Бошқалари эса фақат биринчи ракаатда айтади, дейди.

Иккинчи ракаатни ўқиб бўлгач, ташаҳҳудга ўтиради. Бу ўтириш худди икки сажда ўртасида ўтириш каби бўлади. Ташаҳҳудни ўқийди, ташаҳҳуд ҳам бир неча суратда келган. Биз ташаҳҳудда ҳам кириш дуосида айтганимизни айтамыз. Яъни киши намозда гоҳо Ибн Аббоснинг ташаҳҳудини

ўқиса, гоҳида эса Ибн Масъуднинг ташахҳудини ўқисин ва хоказо бундан бошқа Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган суратларида ўқисин.

«التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةٌ

اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا

اللَّهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ»

«Аттаҳийя’ту лилла’ҳи вас-солава’ту ват-тоййиба’т, ассала’му алайка айюҳан-набийю ва роҳматулло’ҳи ва барока’туҳу, ассала’му алайна’ ва ала’ иба’диллаҳис-солиҳи’йн, ашҳаду анла’ ила’ҳа иллалло’ҳу, ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулүҳ» (Бухорий ривояти).

Маъноси: «Барча қутловлар, дуолар ва ширин сўзлар⁴ Аллоҳ учундир. Эй Пайғамбар, сенга салом⁵ бўлсин, ва сенга Аллоҳнинг раҳмати ва баракотлари бўлсин, бизларга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин, Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ, деб гувоҳлик бераман ва Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва саллам унинг бандаси ва элчиси, деб гувоҳлик бераман». Уч ёки тўрт ракаатли намозда бўлса ташахҳуд (яъни ташахҳудул-аввал)дан кейин қўлларини

⁴ Улар билан тасанно айтиш фақат Аллоҳга лойиқ бўлган сўзлар ва мақтовлар. Уламоларнинг баъзиси деди: «аттаҳийя’ту» тил билан қилинадиган ибодатлар, «ассолава’т» бадан ибодатлари, «аттоййиба’т» моддий садақотлар. (сунани Аби Довудга шарҳ қилиб ёзилган «авнул-маъбуд» китобидан).

⁵ Маъноси Аллоҳ билан ҳимоялантириш, (ҳимоясини Аллоҳга топшириш) «ас-салом» Аллоҳнинг исмларидан бири, «ассаламу алайка» нинг маъноси: Аллоҳ сенинг ҳомийинг ва сақловчинг бўлсин дегани.

такбиратул-эхромда кўтаргани каби кўтариб такбир айтиб кейинги ракаатга туради. Қолган ракаатларда фақат Фотиҳани ўқийди. Абу Саид ал-Худрий ривоят қилган ҳадисга биноан гоҳида бошқа оятларни қўшиб ўқиса ҳам бўлади.

Кейин уч ёки тўрт ракаатли намозда бўлса иккинчи ташаҳҳудга ўтиради. Бу ташаҳҳудда ўтириш кайфияти биринчи ташаҳҳуддагидан фарқли бўлади. Чунки у таваррук қилиб ўтиради, таваррукнинг уч сифати бор:

Биринчи сифат: ўнг оёқни тик қилади, чап оёқни болдирнинг остидан чиқаради ва думбасига ўтиради.

Иккинчи сифат: икки оёғини ёзади ва уларни ўнг томонидан чиқаради. Чап оёқ ўнг болдирнинг остида бўлади.

Учинчи сифат: ўнг оёғини ёзади, чап оёғини болдир билан соннинг орасига қўяди.

Мана шу таваррукнинг уч сифати. Буни ҳам гоҳида унисини, гоҳида эса бунисини қилиш керак.

Танбеҳ: Бу уч ўтиришнинг ҳаммасида думбага ўтирилади.

Айтилган сифатда ўтирганидан кейин ташаҳҳудни ва унга қуйидагиларни қўшиб ўқийди.

«اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى

إِبْرَاهِيمَ، وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيدٌ. اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ،

وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ، وَعَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ
مَّجِيدٌ.

«Аллоҳумма солли ъала Муҳаммадив-ва ала а'ли Муҳаммад, кама' соллайта ъала Иброҳима ва ъала а'ли Иброҳим иннака ҳамидум-Мажид. Аллоҳумма борик ъала Муҳаммадив-ва ъала а'ли Муҳаммад, кама' боракта ъала Иброҳима ва ъала а'ли Иброҳим иннака ҳамидум-Мажид» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Маъноси: «Эй Аллоҳ, Иброҳимга ва Иброҳимнинг аҳлига салот⁶ йўллаганинг каби Муҳаммадга ва Муҳаммаднинг аҳлига салот йўлагин, албатта Сен мақталган улүф зотсан. Эй Аллоҳ, Иброҳимга ва Иброҳимнинг аҳлига баракот берганинг каби Муҳаммадга ва Муҳаммаднинг аҳлига баракот бер, албатта Сен мақталган улүф зотсан».

Салавотдан кейин бу дуони ўқийди:

«أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ عَذَابِ جَهَنَّمَ وَمِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا
وَالْمَمَاتِ وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ»

«Аъзузу биллаҳи мин аза'би жаҳаннам ва мин аза'бил-кабри ва мин фитнатил-маҳё' вал-мама'т ва мин фитнатил-масийҳид-дажжа'л» (Муслим ривояти).

⁶ Аллоҳнинг пайғамбарига салавати: унга бўлган саноси ва улуғлашидир. Бу Аллоҳнинг салоти ҳақида айтилган маъноларнинг энг яхшисидир.

Маъноси: «Жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, ҳаёт ва мамот⁷ фитнасидан ҳамда масийҳид-дажжол фитнасидан Аллоҳга илтижо қиламан». Кейин дунё ва охират яхшиликларидан истаган нарсасини дуо қилиб сўрайди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам охирги қаъдада ушбу тўрт нарсадан Аллоҳ билан паноҳланишга буюрганлар. Бу ҳадис имом Муслимнинг саҳиҳида собит бўлган. Уламоларнинг баъзиси деди: қаъдаи охирда бу тўрт нарсадан паноҳ сўраш вожибдир. Чунки Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бунга буюрган. Бугунги кунда кўп кишилар бунга аҳамият қилмайдилар. Уларнинг Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва салламга салавот айтишлари билан ул зотнинг ўзи бу тўрт нарсадан Аллоҳдан паноҳ сўрашга буюрганига қарамасдан намоздан салом бераётганларини топасан. Товус роҳимаҳуллоҳ (у тобеинлардандир) бу тўрт нарсадан Аллоҳдан паноҳ сўрамаган кишини намозини қайта ўқишга буюрар эди. У бу буйруқни ўз ўғлига ҳам қилган. Сен шу тўрт нарсадан паноҳ сўрашинг лозимдир. Чунки бу нарсалардан паноҳ топишда дунё ва охират саодати бор. Кейин ўнг томонингга

⁷ Ибн Дақиқ ал-Ийд деди: «Ҳаёт фитнаси инсонга ҳаёти давомида дуч келадиган дунёга, шахватларга ва нодонликларга мубтало бўлишидир. Буларнинг энг каттаси эса Аллоҳ сақласин ёмон оқибат билан вафот қилиш. Мамот фитнасидан ўлим олдидаги фитна мурод бўлиши мумкин, унинг мамотга изофа қилиниши фитнанинг мамотга яқин бўлганлиги учундир. Агар шундай дейилса ҳаёт фитнасидан мурод бундан аввалгилари бўлади. Мамот фитнасидан мурод қабр фитнаси бўлиши ҳам мумкин. Чунки уларнинг қабрларида фитналанишлари саҳиҳ хадисларда келган.

«السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ»

«Ассала’му алайкум ва роҳматуллоҳ» ва чап томонингга ҳам

«السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ»

«Ассала’му алайкум ва роҳматуллоҳ», деб салом берасан. Шу билан намоз тугайди.

Агар намоз ўқувчи Аллоҳга дуо қилмоқчи бўлса, дуосини ташаҳхуддан⁸ кейин, саломдан олдин қилса яхши бўлади. Дуосида дунё ва охираат яхшиликларидан хоҳлаганини сўрайди. Илм аҳлларидан баъзиси деди: Дунёга тааллуқли нарсаларни сўраб бўлмайди. Уларнинг бу сўзлари заифдир. Чунки у Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг «Сўнгра хоҳлаган дуосини қилсин» (Бухорий ва Муслим ривояти), деган умумий маънодаги сўзига хилофдир. Агар сен дуо қилмоқчи бўлсанг, салом беришингдан аввал қил. Биз юқоридаги ҳадисдан бугунги кунда одамларнинг кўпчилиги одатланиб олган намоздан кейин ўтириб олиб, суннати муаккададек ушлаб олишган дуо қилишлари далилсиз амал эканини билиб олдик. Суннатга мувофиқ дуо қилиш саломдан олдиндир.

Мана шу биз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг суннатидан билган намознинг сифатидир. Ҳар бир мусулмон Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ушбу «Менинг намоз ўқиганимни кўрганлардек намоз

⁸ Ташаххуддан мурод, ташаххуд ва салавотдир.

ўқинглар» (Бухорий ва Муслим ривояти), деган сўзини ўзида гавдалантиришга ва шу рисолада баён қилинган намознинг сифатини татбиқ қилишга ҳарис бўлмоғи керак.

Менимча киши учун намозини суннатга мувофиқ қилиб олганидан кейинги энг муҳим нарса қалбнинг ҳозирлигидир. Чунки, ҳозирги замонда турли хаёллар ва васвасалар намозга кириши билан унга ҳукмрон бўлади. Намозини тугатиши билан бу хаёллар ва васвасалар учиб кетади.

Аллоҳ билувчироқдир, ва соллаллоҳу ъала Муҳаммадив-ва ъала а'лиҳи ва соҳбиҳи аймаъийн.

